



(Давоми. Боши 1-бетда).

Лекин ўша даврда фақат Тошкент, Фарғона, Андижон, Бухоро ва Наманган шаҳарларида пахтани қайта ишлайдиган корхоналар бўлиб, уларга хомашёнинг бор-йўғи 8 фоизи қолдирилди, қолгани сувтекин баҳосида Марказга ташиб кетиларди. «Бўзчи белбоққа ёлчимас» деганларидек, йил — ўн икки ой далада пешона тери тўкиб, тонна-тонналаб «оқ олтин» етиштирган ўзбек деҳқонининг эғни оддий чидан тикилган кийим-кечакларни ҳам кўрмас эди.

Шу боис, истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизда энгил sanoatни, жумладан, пахта толасини қайта ишловчи корхоналар тармоғини тез суръатлар билан ривожлантириш устувор стратегик ва зифа этиб белгиланди.

Пировардида 2001 йилгача 11 та замонавий тўқимачилик корхонаси қурилиб ишга туширилган бўлса, ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 180,6 миллион АҚШ долларлик 17 та янги қўшма корхона фойдаланишга топширилди.

Тўйтепа ва Тошкент шаҳридаги «Қабул Ўзбек Ко», Фарғонадаги «Қабул-Фарғона компани», Тошкент вилоятидаги «Чиноз тўқимачи», Шахрисабздаги «Оксарой тўқимачи Лтд», Сурхондарё вилоятидаги «Сурхонтекс», Андижон вилоятидаги «Баликчичекс», Қашқадарё вилоятидаги «Яккабоғтекс», Хоразм вилоятидаги «Боғотекс» ва «Шовотекс», Наманган вилоятидаги «Ас-шоҳ», Чирчиқ шаҳридаги «Бурсел Тошкент текстил», Қорақалпоғистон Республикасидаги «Берунийтекс» қўшма корхоналари шулар жумласидандир.

Бу корхоналарнинг ҳаммаси хорижий сармоядорларнинг сармоялари иштирокида барпо этилган бўлиб, ҳар бири энгилор технологиялар, замонавий ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган. Чет элларга хомашё эмас, балки ундан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни сотиш ўз навбатида мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотини кўпайтириш, яъни катта даромад топиш, янги иш жойлари яратиш орқали эса ишсизликни кескин камайтириш муаммосини ҳал этиш имконини бермоқда. Ишбтми?

Биргина «Қабул-Фарғона компани» қўшма корхонасини олиб кўрайлик. Лойиҳа қиймати 100 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган мазкур корхона йилга 25 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, ундан 21 минг 600 тонна қалава, 12,3 миллион погон метр бўз ишлаб чиқариш қувватига ва 2300 ишчи ўрнига эга. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 90 фоизи экспорт қилинмоқда.

Агар «Қабул-Фарғона компани»да ҳам, бошқа мана шундай корхоналарда ҳам мухташам иморатлар, кенг ва текис йўллар, ям-яшил майсазорлар барпо этилиб, фавворалар қурилгани, дам олиш, ювиниш хоналари, ошхона ва машиши хизмат кўрсатиш шохобчалари ишчилар ихтиёрида эканлигини инобатга олсак, ана шу йирик иншоотлар нафақат иқтисодийимиз тараққиётига хизмат қилаётгани, балки ҳудудлар қиёфасини ўзгартириб, ҳар бир ватандошимизга гуруру ва ифтихор бахш этаётгани аён бўлади-қўяди.

Юртбошимиз «Қабул-Фарғона компани» қўшма корхонаси очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида шу ерда ишловчи навқирон йигит-

қизларга қарата бундай деган эди: «Мен сизларнинг тимсолингизда бутун Фарғона ёшларининг истиқболини кўраман. Сизлар халқимиз бошлаган олижаноб ишларнинг муносиб давомчилари бўлиб, ўз меҳнатингиз, азму шижоатингиз билан Ўзбекистонимиз номини бутун дунёга танитишда, юртимизни янада обод қилишда ўз ҳиссангизни қўшасиз, деб қаттиқ ишонаман».

Бугун фарғоналик ёшлар ва уларнинг минтақалардаги тенгқурлари бу юксак ишонччи оқлаш йўлида сидқидилдан ишлаб, янги-янги ютуқларга эришмоқдалар. Яқунланган йилда энгил sanoat тизимида ишга туширилган 17 та қўшма корхонада 9000 нафар ишчи томонидан 115,4 миллион донна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилгани, 140 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилингани, мавжуд тўқимачилик мажмуаларида эса республикаимиз далаларида етиштирилган пахта толасининг салкам 40 фоизи қайта ишланаётгани шундан далолат беради.

Ўз автомобилимиз бор!

1996 йил 19 июль. Асака шаҳрида Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган воқеа рўй берди: замонавий автомобиль заводи — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси қурилиб ишга туши-



рилди. Унинг конвейеридан мустақил Ўзбекистоннинг илк энгил машиналари — «Нексия», «Тико» ва «Дамас»лар чиқа бошлади. Бу муъжизанинг бунёдкори эса овозд Ўзбекистон халқи эди.

Бугунги кунда Юртбошимиз раҳнамолигида республикаимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси, Корея давлати, унинг капитали, корейлик шерикларимиз билан ҳамкорлик самараси — «ЎзДЭУавто» том маънода мамлакатимизнинг гуруру ва ифтихори, sanoatимизнинг етакчи корхонасига айланган десак, асло муволага бўлмайди.

Ўтган даврда бу корхонанинг фаолият доираси кенгайиб, замон талабларига, халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама қўлай, ихчам, илғор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган янги русумдаги «Ма-

тиз», «Нексия-2» ва «Ласетти» энгил машиналарини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жумладан, бултур 39.079 та «Нексия», 9495 та «Дамас», 19856 та «Матиз», 1133 та «Тико» ва 507 та «Ласетти» тайёрланди. Қарийб 25,3 мингта «Нексия», 10,1 мингта «Матиз» Россияга сотилган бўлса, Қозғистон 900 та, Украина 450 та, Молдова эса 100 дондан кўпроқ автомобилимизни харид қилди.

Бу ютуқларимиз охир-оқибатда ўзбек бошлаган ишни «хом-хаёл» деб ўйлаган, Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 та ривожланган давлат қаторидан жой олишига шубҳаю гумон, ишончсизлик билан қараган узок ва яқин кўшилариимиз, хориждаги ва ўзимиздаги айрим одамларни мум тишлатди!

Айниқса, автомобиллар учун илгари четдан келтириладиган бутловчи қисмлар ҳозирда асосан ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, яъни маҳаллийлаштириш дастурига кўра, улкан sanoat мажмуи буюртмаларини баҳарадиган 30 дан зиёд янги корхона ва ишлаб чиқариш қувватлари бунёд этилгани, минглаб янги иш ўринлари очилгани, умуман мамлакатимизда автомобилсозлик билан боғлиқ бутун бир инфратузилма яратилгани ўша истехзо билан гапирган кимсаларни ёқа ушлатди!

Ҳамдўстлик мамлакатларидаги турдош корхоналар орасида биринчи бўлиб «ЎзДЭУавто» машиналарини ривожланган Фарб давлатларида сотишга қафолат берувчи халқаро ISO 9001 сертификати олинганда

эса, улар тан беришга мажбур бўлди!

Айтинг-айтинг, улар завод иш бошлаган кезларда бу ерда юзга яқин корейлик мутахассислар ишлагани, эндиликда улардан бор-йўғи беш нафари қолгани, Жанубий Корея корхоналарида ҳар қандай мураккаб машина-механизмларни бошқаришни ўрганган ўзбек ишчи-муҳандислари мустақил фаолият юритаётганини эшитсалар, қай аҳволга тушарканлар?

Бугун Самарқандда ҳам Ўзбекистоннинг яна бир автомобиль заводи барқарор ишламоқда. Бу туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда барпо этилган «СамКочавто» қўшма корхонасидир. Унинг маҳсулоти ҳам нафақат Ўзбекистонда, ҳатто хорижий мамлакатларнинг бозорларида харидорлар.

Буларнинг ҳаммаси, биринчидан, юртимизда тинчлик ва осуда ҳаёт ҳукм сураётгани-

Ф акт ва рақамлар

дир. 154,4 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги маҳсулот эса экспорт қилинди.

● Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар бурноғи йилдаги 6,1 фоиз ўрнига 9,6 фоиз кўпайди. Бунда иқтисодийта жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция миқдори 1,6 марта ўсди.

● Республикаимизнинг имтиёзли кредитлашга ўтган 8 та минтақасида фермер хўжалиқларига 70,8 миллиард сўм кредит ажратилди.

● Қишлоқ хўжалик корхоналарига 2056 донна «ТТЗ» трактори, шу жумладан, уларнинг 1564 таси (76,1 фоизи) лизинг асосида етказиб берилди.

● Ўтган йили кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуғи 2003 йилнинг 9 ойидаги 31,7 фоиз ўрнига 32,4 фоиз ортиши таъминланди. Бугунги кунда республикаимизда 275 мингдан зиёд кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бултур уларда 106,1 минг янги иш жойи очилди.

● Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 269,5 миллиард сўми, жумладан, микрокредитлар 27,2 миллиард сўми тақдир этди.

● Бугун мамлакатимизда 787 мингдан зиёд ўқувчи ўқийтган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари — бу замонавий таълим тизимидир. Хусусан, касб-хунар коллежлари сони 828 тани тақдир этди. 2010 йилга бориб, улар 1689 тага етади.

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАНМИЗ ВА ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙМИЗ!



нинг ишбтидир. Сабаби аён: тинч ва осойишта давлатгагина сармоядорлар келади. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг дунёдаги тараққий топан демократик мамлакатлар қаторига кириш, улар эришган фаровон, эркин ва овоз ҳаёт даражасига етиш, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаш учун қўяётган дадил қадамлари, буюқ мақсадлар сари қатъият ила бораётганимизнинг амалий тасдиғидир.

● Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар бурноғи йилдаги 6,1 фоиз ўрнига 9,6 фоиз кўпайди. Бунда иқтисодийта жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция миқдори 1,6 марта ўсди.

қадамлари, буюқ мақсадлар сари қатъият ила бораётганимизнинг амалий тасдиғидир.

Экспорт салоҳиятимиз: пахта, олтин... кальцийли сода

Ўзбекистоннинг энг йирик тоғ-металлургия корхонаси — Навоий тоғ-металлургия комбинати (НТМК) дунёда олтин ва уран ишлаб чиқариш бўйича яловбардор 10 та компания сирасига кириши Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларимиздан яна биридир. Бунга НТМКда 1991 йилдан бўён олтин тайёрлашда барқарор ўсишга эришилаётгани, хусусан, ўтган йили уни ишлаб чиқариш ҳажми 29,6 фоиз кўпайгани, давлат омборига олтин топириш бўйича буюртма эса 100, 6 фоиз баҳарилгани далил бўла олади.

Бу ерда тайёрланаётган олтин ниҳоятда тоза (99,99) бўлиб, жаҳон андозаларига тўла жавоб беради. Мисол учун, 1994 йилда комбинатнинг олтин қўймасига Лондон Металлар биржаси Арбитраж лабораторияси томонидан «Энг мақбул маҳсулот» мақоми берилган. 1997 йилда эса у Токио sanoat моллари биржасининг сертификатини олган.

Экспорт салоҳиятимиз ҳақида гап кетганда, бугунги кунда жаҳон бозорига чиқаётган аънавий хомашёимиз ана шу олтин эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Яна бир шундай аънавий хомашёимиз — пахтадир.

Ўтган йил, маълумки, республикаимизда пахта йили бўлди. Пахтакорларимиз узок йиллар мобайнида биринчи марта давлатга салкам 3 миллион 540 минг тонна пахта ҳосили етказиб бердилар.

Бу — деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш йўлида мустақам пойдевор яратилди, дегани.

Пахтачиликдаги ютуқлар — машаққатли меҳнат меваси. Шунинг учун Президент голиблар — Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Хоразм, Жиззах, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари деҳқонларини эришилган меҳнат зафари билан самимий табриқлади.

Табриқларда ана шу галаба замирида, биринчи галда, қишлоқ хўжалиги соҳасида кенча кеча, кундузни кундуз демай, ишинг кўзини билиб, фидокорона меҳнат қилаётган минг-минглаб оддий деҳқонларнинг азму шижоати, уларнинг ўз юртига содиқ бўлиб, она тупроғини севиб-ардоқ-

лаётгани, чинакам ватанпарварлик фазилатлари муҳасаммаллиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Бироқ, айтиш керакки, биз дунё бозорига фақат пахта ва рангли металллар чиқариш билан чегараланиб қолаётганимиз йўқ. Экспорт таркибида тайёр буюмлар, чуқур қайта ишланган, яъни қўшилган қиймати анча юқори бўлган маҳсулотларимиз ҳам тобора катта ўринни эгалламоқда. Чунончи, кейинги йилларда пахтадан тайёрланган ип-қалава ва газламалар, шунингдек, пластмасса ва кимёвий маҳсулотлар экспорт қилинган кескин даражада ўсди.

Тез орада улар қаторига ўзбекнинг кальцийли содаси ҳам қўшилажак. Гап шундаки, Қўнғирот сода заводида ҳозир сунгги монтаж ишлари олиб боришмоқда. Бу корхона ишга тушгач, унинг асосан экспортга йўналтириладиган маҳсулоти жаҳон sanoatининг қарийб 200 та тармоғи учун бетакорор хомашё бўлиши кутилмоқда. Чунки Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида Россия Федерацияси ва Украинада шундай турдош корхоналар мавжуд, холос. Бу, албатта, Ўзбекистон иқтисодийини кўтаришда муҳим омилдир.

Янги заводда жами 1424 нафар техник-муҳандис ва ишчи-хизматчи ишлайди. Улар бир кеча-кундузда 300 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эгадирлар.

Иқтисодий мустақамлигининг пировард натижаси

Далилларнинг барчаси бугунги кунда иқтисодийимиздаги вазият кескин ўзгараётганини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда ислохотлар изчил амалга оширилаётгани, хусусий мулкка, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани, молия ва банк тизими соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган шахдам қадамлар қўйилгани оқибатида иқтисодийимиз тез ва барқарор суръатлар билан ривожланаётганини, кейинги йилларда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликка эришилганини ҳаммамиз кўриб туришимиз. Бунга ҳатто кўпгина нуфузли халқаро иқтисодийтичи ва қузатувчилар ҳам эътироф этмоқдалар.

Ўзингиз бир эсланг, мустақилликнинг дастлабки йилларида республикаимиз аҳолиси учун зарур товарлар, жумладан, галла, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда sanoat молларининг 80 фоизидан кўпроғи нақд валюта — пахтаимиз ва бошқа бойликларимиз эвазига ташқаридан

келтирилди. Ўтган даврда катта меҳнат ва қатъиятимиз эвазига галла ва нефть мустақиллигига эришилди, хориждан олинган кўпгина товарлар ўрнига ўзимизда қурилган замонавий корхоналарда маҳаллий хомашёдан сифатли, экспорттоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Бу чора-тадбирлар пировардида хорижий инвестициялар келишининг кўпайишига, иқтисодийтимизда таркибий ўзгаришлар бўлишига, инфляциянинг жиловланишига, олтин-валюта захираларимизнинг ортишига олиб келди.

Муҳтасар қилиб айтганда, эришилган барча ютуқларимизнинг пировард натижаси шу бўлдики, кейинги беш йил мобайнида аҳолининг реал даромадлари 210,0 фоиз ўсди. Иқтисодийтимизнинг тобора мустақам бўлиб бориши, шубҳасиз, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, шу жумладан, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини, пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларни ошириш, аникроғи, халқимизнинг оғирини энгил қилишга имконият яратади.

Бир мисол. 2004 йилда аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда 15 фоиз кўпайди, нарх-наво барқарорлашиб, унинг ўсиши 3,7 фоиздан ортмади.

Бу йил эса аҳолининг реал даромадларини, иқтисодийтимизнинг барча соҳаларида меҳнатга тўланадиган иш ҳақи миқдорини, шулар қаторида пенсиялар, нафақалар, стипендияларни кўпайтиришга олдинги йилга нисбатан кўпроқ эътибор қаратилади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: сизу биз бу гамхўрликка жавобан нима қилишимиз керак? Жавоб битта: меҳнатимиз натижаларини янада кўпайтиришимиз лозим.

«Қиладиган ишларимиз ҳали кўп, — деб алоҳида таъкидлади Президентимиз. — Мақсадларимизни, ният-орзуларимизни сўзсиз амалга ошириш учун нима-ларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур?

Биринчидан — бошлаган ислохотларимизни янада тезлаштириш ва чуқурлаштириш вазифаси. Аввало, иқтисодийтимизда ҳусуло мулк улушини ошириш, мулк эгаларининг фаолият эркинлигини янада кенгайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликка, қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш. Бу йўналишларда йўлимизни тўсиб турган барча гов-тўғанокларни олиб ташлаш.

Иккинчидан — одамларимизнинг, аввало, раҳбарлик лавозимда ўтирганларнинг онгу тафаккурини ўзгартириш, уларнинг масъулиятини ошириш, қонунга итоат қилиб яшаш барчамиз учун ҳаёт тарзига айланшига эришмоғимиз даркор. Шу билан бирга, бугунги вазият барчамизни ўзимизга бўлган талабчанлигимизни асло сўсайтирмасдан, бошлаган ишларимизни кенг қўламда, жадал суръатларда давом эттиришга даъват этади».

Икром ҲАБИБОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига навбатдаги сайлов якунларига биноан амалга киритилсин.


2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва беркор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 2 декабрь.

8



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари 2005 йил

Буслаш чизиги

Киркиш чизиги

тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларининг стенограммалари билан танишишга, сайловчилар билан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, сиёсий партия ташкилоти билан уршувлар ўтказишга;

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини қўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

Депутат қонунларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6-модда. Депутатнинг мажбуриятлари Депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида ҳамда мазкур Кенгаш томонидан тузилган қайси комиссия таркибига сайланган бўлса, шу комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда тегишли халқ депутатлари Кенгашининг регламентини белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт.

Депутатнинг тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ҳамда қайси комиссия таркибига бўлса, шу комиссиянинг мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда, бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгаши ёки комиссия раҳбарига олдиндан хабар қилиши шарт.

Депутатнинг зиммасида қонунларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

7-модда. Депутатнинг сайловчилар билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан олиб борадиган ишлари

Тегишли халқ депутатлари Кенгашининг депутаты ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан алоқа боғлаб туради, тегишли халқ депутатлари Кенгашида уларнинг манфаатларини йқода атайди.

Депутат ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни хал эшиш чора-тадбирларини қўради, фуқароларни қабул қилади.

Депутат вақти-вақти билан, лекин йилга камида икки марта сайловчиларга ўз фаолияти тўғрисида ахборот беради.

Депутатга сайловчилар билан олиб бориладиган ишлар учун тегишли халқ депутатлари Кенгашининг регламентини белгиланган тартибда муайян қўраб ажратилади.

Сайловчилар билан уршувлар ўтказиш учун депутатга зарур шарт-шароит таъминланади. Ижро этиш ҳоқимият органлари унинг илтимосига кўра бино ажратилишини ташкил этадилар, депутатнинг сайловчилар билан уршувлари ўтказиладиган депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳақида фуқароларга хабар берадилар, қабул ва уршувларда иштирок этиш учун депутатнинг тақлифига биноан ўларнинг масъул вакилларини юбордилар, шунингдек, депутатнинг жойлардаги ишига қўмақлашиш юзасидан бошқа чора-тадбирлар қўрадилар.

Сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган депутат қонунда белгиланган тартибда қақириб олиниши мумкин.

8-модда. Депутат сўрови Депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки ўз нуктаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир.

Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жаавобни депутатга мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбордилар.

Судларнинг раисларига, прокурорларга, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарларига йўланган депутат сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга таалуқли бўлиши мумкин эмас.

Депутат сўровлари бўйича ахборот тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида муҳокама қилиниши мумкин.

III. ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ

9-модда. Депутатлик одоби Депутат одоб қондаларига қатъий риоя этиши лозим. Депутатнинг ўз мақомида фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига эиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Депутатлик одоби бўлиши тақдирда депутатнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан ёки унинг топшириғига кўра тегишли халқ депутатлари Кенгашининг органи томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

10-модда. Депутатнинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қимматини муҳофаза қилиш Хар бир депутатга ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун шарт-шароит кафолатланади, унинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қиммати муҳофаза қилинади.

Депутатнинг шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий ёки ўзга тарзда жаавобгар бўладилар. Депутатни ҳақорат қилиш, шунингдек, унга нисбатан тўхмат қилиш қонунда белгиланган жаавобгарликка сабаб бўлади.

Депутатлик ваколатларини амалга оширишига тўқинлик қилиш мақсадида депутатга қанақа тарзда бўлмасин таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Депутат олдидаги ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўқинлик қиладиган, била туриб унга ёлгон ахборот берадиган депутат фаолиятининг кафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жаавобгар бўладилар.

11-модда. Депутатнинг дахлсизлик ҳуқуқи Депутат ўзининг ваколатлари мuddати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлади.

Тегишли халқ депутатлари Кенгашининг розилигисиз депутат мазкур ҳудудда жиноий жаавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазага тортилиши мумкин эмас.

Депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашида овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуктаи назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини

Қандай қилиб КРЕДИТ, ЛИЗИНГ, СУГУРТНИ олиш мумкин? ШУ ҲАҚДА

“МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР”

КЎРГАЗМАСИДА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЧТА ШАҲРИДА!

ФАКАТ БИР КУН!

Кўрғазмада Ўзбекистон Республикасининг банклари, консалтинг, суғурта, баҳолаш компаниялари, кредит уюшмалари иштирок этади.

5 февраль, Тошкент шаҳри, “Интерконтиненталь” меҳмонхонаси, соат 10.00-17.00

Шунингдек, кўрғазма

12 февралда Фарғонада ва

19 февралда Самарқанда ўтказилади.

Кредит олиш учун энг қулай қарор. Лизинг ўзи нима? ШАРТНОМАЛАР ВА МОА-МУАҚНИ СУГУРТА ҚИЛ... ШУ ВА БОШҚА МОЛИЯВИЙ САВОЛЛАР БЎЙИЧА КЎРҒАЗМАГА ТАШРИФ ҚИЛУВЧИЛАРГА БЕТЛУ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛАДИ.

Маълумот учун телефонлар: (998-71) 120-74-28/29/30. E-MAIL: expo@pragma.buzton.com Http://ru.casme.net/uz/expo/

Ташкилотчилар: Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Банklar ассоциацияси, Халқаро ривожланиш бўйича Америка агентлиги (ЮСАИД), Таъбиротиқнинг ривожланиши бўйича лойиҳа (ЕДР)

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА ЭҚТИЁТ ҚИСМЛАР БАЗАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШЎЪБА ҚОРХОНАСИ

Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ШИНАЛАРИ ВА ЭҚТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ

пул ўтказиш йўли билан арзон ва сифатли маҳсулотларни тақлиф қилади.

Пахта ва галла (23210... 23220...) траншларини ҳам қабул қилади.

9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

НОМ — НОМУС ДЕМАК

Жой номлари муқаддас ҳисобланади. Негаки, уларнинг аксарияти ўзида элатлар, миллатлар, халқлар ва мамлакатлар ўтмишини, авлод-аждоғлар орзу-умидларини муҳассамлаштирган бўлади. Шу боис мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бошқа кўллаб миллий қадриятларимиз қатори қадимий жойлар номларини қайта тиклашга ва замонавийлаштиришга ҳам жиддий эътибор қаратилади. Айни чоғда, кўллаб шаҳар-қишлоқларимизнинг шўровий маъно-мазмунга эга номлари ўзгартирилди. Янги ташкил топган ташкилот-корхоналар, хусусий фирмалар ва хўжалик субъектларини муносиб номлар билан аташ хайрли анъананага айланди.

Бу борадаги ишларни янада яхшилашда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари, аҳоли пунктлари, ташкилотлари ва бошқа топономик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Ҳозир юртимизда ана шу қарор ижросини таъминлаш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Бунга Қорақалпоғистон Республикасидаги кескин ўзгаришлар тизимлида ҳам ақвол ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Маълумки, Нукус мамлакатимизнинг шимолий дарвозаси ҳисобланади. Авваллари бу шаҳардаги йирик мазелардан бири халқ тилида “Саранча” дейилар, расмий ҳужжатларда “Пристань посёлкаси” деб аталарди. Мустақиллик йилларида жамоатчилик фикри ва тарихчи олимлар ҳулосаси асосида мазевнинг минг йил бурунги “Жийдалибойи” номи қайта тикланди. Ушбу маъмурий-ҳудудий бирликка қўшни мазевнинг номи ҳам илгари алланча ҳам, муҳрларда ҳам “РеспО посёлкаси” тарзида ёзиларди. Кейинчалик элчунослар бу маскан қорақалпоқ халқ эпоси “Эдигей” да “Ақжағис”, яъни “Оқсоҳил”

сифатида тилга олинганини исботлаб бердилар. Шунга кўра, эндиликда бу ҳудуд “Ақжағис” фуқаролар йиғини” деб юритилмоқда. Шаҳар четидан оқиб ўтадиган “Рисовий” канали эса азим Аму-дан ирмоқланадиган оби ҳаёт манбаларининг энг йириги бўлгани боис “Онасой”га айланди.

Нукусда кўчаларга ном қўйиш масаласига ҳам алоҳида масъулият ила қаралмоқда. Ташуниксиз ва ному-таносиб номлар билан ата-либ келинганларига қорақалпоқ халқининг ардоқли фар-зандлари исм-шарифлари берилмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ ҳозир катта кўчалар Қосим Авезов, Жўлмураза Аймуразаев, Ойимхон Шамуратова каби табарқур сиймолар номи билан аталмоқда.

Шаҳар кўчаларининг бугунги номлари мустақиллигимиз мазмун-моҳиятига узукка қўйилган кўздек яра-шиб турибди. Марказий кўчалардан бири Бухоро, Ҳева ва Хўжайили тўпта тулган шўро саркардаси номи билан аталди. Унга истиклолнинг қорақалпоқ тилидаги гўзал ифодаси “Ғарезсизлик” номи берилди. Юртимизга қилич кўтариб келган бир қатор истилочилар номи билан юритилган кўчаларга

“Туркистон”, “Қирққиз”, “Орол” каби қадимий, “Дўстлик гузар”, “Баҳор” каби чиройли номлар берилди.

Маълумки, сўнгги пайтларда Уст-Юрт сарҳоси бағрида Марказий Осиёда ягона Қўнғирот сода заводи қоп ростланди. Шу муносабат билан корхона ён-атрофида

янги замонавий шаҳарча пайдо бўлди. Уни қандай аташ масаласига келганда тури фидр-мулоқазалар ўртага ташланди. Ҳатто “Содазавод шаҳарчаси” номини бера қойилди, деган тақлиф ҳам билдирилди. Аммо энг мақбул гални танкили ширимиз, Ўзбекистон Қарамони Абдулла Орипов айтди. Маҳаллий аҳоли билан ижодий уршувлар чоғи “Шаҳарчангизни” “Элобод” дея улғулайлик” деди. Бу ташаббус кўччиликка маъқул туши ва кўп улғай амалга ошди.

Топономик объектларга ном беришни мувофиқлаштиришда Амурдарё туманида ҳам ўзига хос тажриба тўпланган. Бу ерда собиқ тулдан қолган, миллий гурумизга ёт номлар буткул барҳам топди. Муқаддам эл

тилида бўлмаса-да, дилида яшаб келган Манғит, Қипчоқ, Қиличбой, Дўрмон, Чойкўл, Қуюкқўпир, Жумуртов, Назархон каби қадимий атама-лар қайта жонланди. Худди шунингдек, Беруний туманидаги “Бийбозор”, Эллиққалъадаги “Тозаамиробод”, Кегали туманидаги “Қувониш-жарма”, Тахтақўпирдаги “Маржонкўл” сингари тарихий жой номлари ҳам тикланди.

Бирок “Ҳар тўқисда бир айб” деганларидек, топономик объектларни номлашда қатор камчиликларга ва ўзи-бўларчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан, шу кунгача Қорақалпоғистондаги энг йирик кўл ва кўлтиклардан баъзилари “Судочье”, “Междуречье”, “Риба-че” каби номуносиб сузлар билан аталиб келинмоқда. Ёки бошқа бир ҳолат: айрим мансабдор шахслар амалидан фойдаланган ҳолда хизмат мавзени суиистеъмол қилиб, маҳалла, гузар, кўчаларга ўз отаси ёки онаси исми-шарифини қўйишга, шу тариқа уларнинг хотирасини абадийлаштиришга интилмоқдалар.

Аслида, — дейди Қорақалпоғистон халқ шоири Тулибой Қобилов, — бирор жойга кимингдир номи берилган бўлса, ўша зот билан барча бирдек гўрурланиши лозим.

Қурашларимиздан маълум бўлишича, фермер хўжалиқларига ном беришда ҳам талайгина қусуллар мавжуд. Айтайлик, Амурдарё туманида учрайдиган “Дўстлик”, “Ғайрат”, “Аму тонги”, “Чигирчи”, “Нихол”, “Лочин”, “Ширинбу-

Савдоларда хорижий инвесторлар ҳамда Ўзбекистон резидентлари иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон резидентлари бинони савдо амалга ошириладиган пайтда Марказий банк белгиланган курс бўйича миллий валюта (сўм)га сотиб олишлари мумкин. Бу ҳолда эркин муомаладаги валютада энг юқори баҳони тақлиф этган ва ўз зиммасига инвестиция мажбуриятларини олган компания устуликка эга бўлади. Тендерда иштирок этмоқчи бўлган инвесторлар бошланғич баҳонинг 10 фоизи миқдорига қайтариб берилмайдиган гаров пули тўлашлари, шунингдек, тендер шартларида белгиланган мuddатга қадар тўлдирилган ва имзоланган иштирок этиш буортмасини ва махфийлиқни сақлаш аризасини топширишлари лозим. Талабнома билан қуйида келтирилган манзилларга мурожаат этиш мумкин. Ахборот меморандуми, тендер ўтказиш қондалари ва тендер тақлифлари шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари тўпламини “Kim oshdi savdolari agentligi” МЧЖга 50 минг сўм миқдорига ҳақ тўлаб, буортма ва махфийлиқни сақлаш аризаси ҳамда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганидан сўнг олиш мумкин. Тендер ҳужжатларини сотиб олиш мuddати 2005 йил 1 март кунини тугайди. Тендер тақлифларини қабул қилиш мuddати 2005 йил 31 март кунини тугайди.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 55-уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, 8-қават, 6-хона. Телефон: +998 (71) 139-20-91. Факс: +998 (71) 139-20-31; Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақалмиш 2/4 мавзеси, М. Урозовов кўчаси, 1-а уй, Республика Кўчмас мулк биржасининг “Kim oshdi savdolari agentligi” МЧЖ, 2-қават, 207-хона. Телефон: +998 (71) 136-15-28. Факс: +998 (71) 136-06-17.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ! 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

